



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, жаҳон миқёсидаги илгор тажрибалар асосида замонавий маданият ва санъат муассасалари барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижодкор зиёлиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига давлатимиз томонидан устувор аҳамият қаратиб келинмоқда.

Аҳоли, хусусан, ёшларнинг маданий савиясини юксалтириш, уларни миллий ва умумбашарий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, шу асосда маънавий етук, баркамол шахсларни тарбиялаш, ёш истеъдод эгаларининг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, маданият ва санъат соҳасини бошқаришда эскича усуллар сақланиб қолаётгани, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича комплекс ёндашувнинг етишмаслиги, маданият муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш, аҳолига маданий хизмат кўрсатишда оқсоқликка йўл қўйилаётгани, аксарият жойларда маданият ва санъат масканларининг моддий-техник базаси бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини қайд этиш зарур. Айниқса, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлашда мавжуд талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга олмаслик, уларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш борасида пухта тизим яратилмагани маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, бу йўналишдаги устувор вазифаларни тўлиқ бажариш имконини бермапти.

Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишнинг бугунги йери босқичида маданият ва санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёш авлодимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар, она юртга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган қўйидаги вазифалар ижро учун қабул қилинсин:

маданият ва санъат муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш. Жумладан, музейлар ва театрлар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш. Моддий маданий мерос ва археология объектларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш механизмларини янада такомиллаштириш;

маданият ва санъат муассасалари, театрлар, музейлар, бадий жамоалар, маданият ва аҳоли дам олиш масканлари, маданият ва истироҳат боғлари фаолиятини, моддий-техник базаси ҳолатини атрофлича ўрганиш, уларни таъмирлаш ва зарур жиҳозлар, мусиқа асбоблари билан таъминлаш, самарали ижодий фаолият учун қулай шарт-шароитлар яратиш. Ўзбек миллий рақс ва хореография санъатини янада ривожлантириш, маданият ва санъат ривожига катта ҳисса қўшган таниқли санъаткорлар, жаҳон миқёсидаги нуфузли кўрик-танловларда юқори ўринларни эгаллаган ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш;

ёшларни санъат масканларига, хусусан, театр ва музейлар, концерт томошаларига мунтазам жалб этиш, ўзбек ва жаҳон маданиятнинг энг сара намуналаридан баҳраманд этиш орқали уларнинг маънавий-ахлоқий, эстетик диди ва маданий даражасини янада юксалтириш. Маданият ва истироҳат боғлари ҳудудда «Нуронийлар маскан»ларини ташкил этиб, фахрийларнинг маданий дам олишлари учун зарур шароитлар яратиш;

«Сени қўлаймиз, замондош!», «Дебют» каби театр санъати кўрик-фестиваллари самарадорлигини

ошириш орқали буюк сиймолар, замонамиз қаҳрамонлари образи, бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини акс эттирган, бадий юксак сахна асарларини яратиш. «Баҳор нафаси» халқаро санъат фестивали, «Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивали, «Ёшлик баҳори» республика ёш опера ижрочилари фестивали сингари тадбирлар, турли халқ сайлларини ташкил этиб, уларга хорижий сайёҳларни кенг жалб этиш;

маданият ва санъат йўналишидаги таълим муассасаларининг малакали кадрлар ва мутахассисларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, бу борада кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, замонавий илгор тажрибалардан фойдаланиш, дунёнинг машҳур мусиқачилари, бастакорлари иштирокида ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари ташкил этиш, маданият ва санъат йўналишидаги таълим муассасаларини ўқув дастурлари ва ноталар, ўқув қўлланма ва дарсликлар, илмий-методик адабиётлар билан таъминлаш;

Ўзбекистоннинг юксак маданияти ва санъатини халқаро майдонда янада кенг тарғиб этиш, халқаро кўрик-танлов ва фестивалларда мамлакатимиз вакилларининг иштирокини қўлқўйириш, Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали нуфузини янада ошириш, бошқа турли тадбирларда чет эллик маданият ва санъат намояндалари кенг қатнашишларини таъминлаш, халқаро илмий-амалий анжуманлар ташкил этиш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги 2017 йилнинг 1 октяб-рига қадар:

музейлар ва театрлар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш комплекс чора-тадбирларини;

ёшларни театр ва музейларга, концерт-томоша тадбирларига тизимли равишда жалб этиш орқали уларнинг маънавий-ахлоқий, эстетик ва маданий даражасини янада юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Иқтисодий вазирлиги билан биргаликда мамлакатимиздаги концерт-томоша ва театр муассасаларининг ижодий ходимлари учун грим ва постижёр маҳсулотлари, оёқ кийимлар, махсус либослар, жумладан, балет санъати учун либослар, юксак даражада ишланган сахна декорациялари ва конструкциялари, парда ва сахна либосларини тайёрлашга ихтисослашган қўшма корхона ташкил этиш юзасидан таклифларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Маданият вазирлиги ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уйда жойлашган бинони «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси тасарруфига ўтказиш ва ушбу бинода жаҳон андозаларига тўлиқ мос келадиган, академик жамоаларнинг бадий дастурлари намойиш этиладиган, жонли ижрога мўлжалланган замонавий концерт залини барпо этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат консерваториясида маданият ва санъат йўналишидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, шунингдек, мактабдан ташқари таълим муассасалари учун малакали мусиқа педагогларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга ихтисослаштирилган факультет

ташкил этиш юзасидан зарур чораларни амалга оширсин.

5. Қўйидагилар Дастурни амалга оширишни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурлари маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси;

тижорат банкларининг кредит маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси (А.Арипов): Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудларнинг ҳокимлари бошчилигида Дастурни амалга ошириш бўйича бир ҳафта муддатда тегишли ишчи гуруҳлар ташкил этсин;

вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан ҳар бир давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, вилоят, шаҳар, туманлар бўйича Дастур асосида икки ҳафта муддатда ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилишини таъминласин, уларни тасдиқласин ҳамда уларда назарда тутилган тадбирлар ўз вақтида амалга оширилишини мувофиқлаштирсин;

Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг бажарилишига масъул бўлган вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тизимли асосда мувофиқлаштириб, белгиланган тадбирларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилиши устидан мониторинг олиб борсин ва назорат қилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

Дастурни амалга ошириш юзасидан икки ҳафта муддатда ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш, Республика комиссиясига тасдиқлаш учун киритиш;

Дастурни амалга ошириш учун зарур бўладиган маҳаллий бюджет маблағларининг режалаштирилиши ва тўлиқ ажратилиши, ҳомийлик хайриялари жалб этилишини таъминлаш;

ҳудудларда маданият соҳасида фаолият юритаётган юқори малакали ходимлар, жумладан, иқтидорли ёш мутахассислар учун муносиб турар жой шароитларини яратиш мақсадида ҳудудлар марказларида имтиёзли ипотека кредитлари асосида кўп қаватли хизмат уйлари қуриш, шунингдек, юқорида кўрсатилган тоифадаги мутахассислар учун уй-жойлар ажратиш;

маданият ва истироҳат боғларида аҳоли, айниқса, болалар ва ёшлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мавжуд аттракцион ва бошқа ўйин қурилмаларининг хавфсизлик қоидаларига мувофиқлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА БМТ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИЙ КОМИССАРИНИНГ МАКТУБИ

Аввал хабар қилинганидек, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн 2017 йил 10-12 май кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Олий комиссарни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қабул қилди. Зайд Раад ал-Хусайн давлат органлари раҳбарлари ва фуқаролик жамияти вакиллари билан қатор учрашув ва музока-ралар ўтказди.

Ташриф якунлари бўйича мамлакатимиз ва чет эл журналистлари иштирокида ўтган матбуот анжуманида Зайд Раад ал-Хусайн Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий тизимни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотларга юксак баҳо берди.

31 май куни БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссаридан давлатимиз раҳбари номига мактуб келди. Унда шундай дейилган:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
Тошкентда 2017 йил 10 май куни бўлиб ўтган учрашувимиз давомида билдирган очик ва самимий фикр-мулоҳазаларингиз учун миннатдорлик изҳор этаман. Шахсан Сиз билан учрашиш шарафига муяссар бўлганимдан гоёят бахтиёрман. Ташрифим доирасидаги тадбирлар юксак даражада ташкил этилгани учун мамлакатингиз ҳукуматига самимий миннатдорлик билдираман. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига шахсан эътибор қаратаётганингиз, жумладан, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси қабул қилингани, суд-ҳуқуқ тизимида ислохотлар амалга оширилаётгани, хорижга виза асосида чиқиш тартибини бекор қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар учун Сизга миннатдорлик билдирмоқчиман. Мамлакатингизга ташрифим Ўзбекистонда

инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминлашдаги муайян мураккабликларни англаш, мамлакатингиз ҳокимияти, фуқаролик жамияти, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий муассасаси ва халқаро ҳам-жамиятга Бошқармамиз қўмак кўрсатиши мумкин бўлган соҳаларни белгилаб олиш имконини берди.

Ўзбекистон мен раҳбарлик қилаётган Бошқарма билан самарали ҳамкорлик қилаётгани учун миннатдорман. Женевадаги қароргоҳимиз ҳамкорлигимизни давом эттиришга тайёрлигидан, менинг Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлинам Ўзбекистонни беvosита қўллаб-қувватлашдан мамнунман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳур-мат ва эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Зайд Раад ал-ХУСАЙН,
БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани Жаноби Олийларига


Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!
Афғонистон пойтахти Кобул шаҳри марказида содир этилган мудҳиш ва ғайриинсоний террорчилик ҳаракати оқибатида қўллаб бегуноҳ кишиларнинг нобуд бўлгани ва оғир жароҳат олгани ҳақидаги хабар бизни қаттиқ қайғуга солди. Ушбу мусибатли дамларда Сизга ва биро-дар Афғонистон халқига чуқур таъзия изҳор

этамиз. Қурбон бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига самимий ҳамдардлигимизни етказиб қўйишингизни сўраймиз. Жароҳат олганларни эса тез фурсатларда соғайиб кетишини тилаймиз.

Қайғу ила,

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН УНИВЕРСИТЕТЛАРИ НЕЧА ЁШДА?



Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 31 май

Ш.МИРЗИЁЕВ

Депутатлар — сайловчилар ҳузурида



Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати,
ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

МУАММОЛАР
ЎРГАНИЛМОҚДА

— Ҳар ойнинг дастлабки кунларида жойларда аҳоли билан учрашиб, ҳақиқий аҳволни ўрганимиз. Шу аснода ҳудуддаги камчиликлар, электрорат вакилларини ўйлантираётган масалалар билан яқиндан танишиб, уларни ҳал этиш бўйича вазифалар белгилаб олинмоқда.

Май ойида Қарши туманида хизмат кўрсатиш тизими ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари фаолияти билан яқиндан танишдик. Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида қилинаётган ишлар ўрганилиб, таҳлил этилди.

Аҳоли, жумладан, ёшлар, тадбиркорлар, фермерлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва камчиликларни баён этишди. Кўпроқ уй-жой, коммунал, транспорт ва йўл қурилиши, банк-кредит, аҳоли бандлиги, соғлиқни сақлаш, экология ва атроф-муҳит, таълим, тадбиркорлик, пенсия ва нафақа таъминоти масалаларида мурожаатлар бўлди. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, маданият ва спорт, интерактив давлат хизматларини кўрсатиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти ва пластик карталар орқали тўловларни амалга ошириш бўйича ҳам қатор фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди.

Айрим қишлоқларда мактабгача таълим муассасалари бинолари таъмирталаб ҳолатда экани, болалар учун қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар, ўйинчоқлар, ўйин майдончалари учун мосламаларнинг етишмаслиги, айниқса, иситиш тизимида муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Туманда 233 ўринли марказий шифохона, 2 кўп тармоқли поликлиника ва 8 қишлоқ врачлик пункти, 6 қишлоқ оилавий поликлиникаси ҳамда давлат санитария-эпидемиология назорат маркази аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. ҚВЛларнинг деярли барчасида умумий амалиёт шифокорлари етишмайди. Маълум бўлишича, бугунги кунда туманда 49 нафар умумий амалиёт шифокори, қишлоқ оилавий поликлиникалари учун 6 нафар УТГ мутахассиси ва хирургга эҳтиёж мавжуд.

Туман даражасидаги масалаларни ҳал этиш юзасидан тегишли маҳаллий давлат органлари ва бошқа ташкилотларга тавсиялар берилди ҳамда уларнинг бажарилиши назоратга олинди.

Ўрганишлар давомида аниқланган муаммолар ва камчиликларни парламент ва депутатлик назорати асосида бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Учрашувлар давом этмоқда. Бу ойда Касби туманида бўламиз. Сайловчилар билан мулоқотлар ҳудудлардаги муаммоларни ўрганиш, уларга ечим топишда катта самара бермоқда.

ДЕПУТАТ СЎРОВИ

жавобсиз қолмаслиги керак

Маълумки, депутатлар ўзларининг номзоди кўрсатилган сайлов округи ҳудудида олиб борадиган ишлардан бири — қонулар ва қарорлар бажарилишини назорат қилишда фаол иштирок этишдан иборат. Агар қонулар ижросида камчиликлар кўзга ташланса, депутат бу ҳолат юзасидан тегишли давлат органларига, уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат қилиш ва ўртага қўйилган масалани кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бунда депутатлик сўровлари муҳим ўрин тутати.

Мурожаатлар ва муаммоларни ўрганиш, депутатларнинг фаоллигини ошириш мақсадида Самарқанд вилоят партия кенгаши мунтазам равишда кўча қабуллар ташкил қилмоқда. Аҳоли мурожаатлари асосида депутатлар томонидан ижро ҳоқимияти органлари ва мутасадди ташкилотларга жорий йил бошидан буён 200 га яқин депутатлик сўрови юборилди. Уларда уй-жой ва коммунал, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларга оид масалалар кўтарилган.

Сўровларнинг аксариятига вақтида жавоб олинди ва электрорат манфаатлари ҳимояси билан боғлиқ катта-кичик муаммоларни ҳал этишга эришилди. Бугунги кунга келиб депутатлик сўрови институти имкониятларидан фойдаланиш партияимизнинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда муҳим воситага айланди. Лекин бу борала камчиликлар ҳам кўзга ташланиб турибди. Хусусан, сўров юборишда баъзан сайловчи кўтарган масалани чуқур ўрганмаслик ҳолатлари кузатиляпти. Депутат муайян ташкилотга сўров

Депутатлик сўровлари асосида ҳал этилган масалалардан айрим мисолларга тўхталасак. Вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига халқ депутатлари Иштихон туман Кенгаши депутати Бахтиёр Қўчқоров томонидан киритилган сўровга асосан автотомобиль йўлига пиёдалар йўлакчаси ҳамда тезликни чекловчи йўл белгиси ўрнатиб берилди.

Булунгур туманидаги Каттақишлоқ маҳалласида яшовчи Маҳмуд Диллаев электр тармоғидаги узилтишлар масаласида, Лалмикор маҳалласидан Баҳодир Қодиров йўлларни таъмирлаш, Олмазор маҳалласидан Худойберди Шодмонов қишлоққа автобус қатновини йўлга қўйиш масалаларида амалий ёрдам сўрашган. Депутатлар кўмаги билан мурожаатлар ҳал этилди.

Жамоатчилик қабулхоналарига келаётган мурожаатларга назар ташласак, фуқароларни қийнаётган, ечимини қутаётган бир талай муаммолар мавжудлигига, улар йилдан йилга ўтиб келаётганига гувоҳ бўламиз. Аммо афсуски, айрим депутатлар бундан кўз юмиб келишган.

Ҳаёт олдимизга янги талаблар қўймоқда. Қайси ҳудудда аҳолини ташвишлантириб келаётган муаммо бўлса, уни ўз ҳолига ташлаб қўймаслигимиз зарур. Депутатлардан бу борала янада фаоллик, жонқуярлик талаб этилади.

Шавкат ҒОҒУРОВ,
ЎЗХДП Самарқанд вилоят
кенгаши бўлим mudiri.

ЎЗХДП ҳаётидан

Қашқадарё вилоят ва Деҳқонобод туман кенгаши Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Деҳқонобод калитли ўғитлар заводи унитар корхонасида тадбир ўтказди.

Оромгоҳга
бепул
йўлланма

Унда партия фаоллари, депутатлар, корхона ходимлари ҳамда тумандаги эҳтиёжманд оила фарзандлари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар ёш авлод маънавиятини янада юксалтириш, фарзандларимизнинг китобга бўлган меҳрини кучайтириш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида фикр билдиришди.

Болаларга соғломлаштириш оромгоҳларига бепул йўлланмалар ва совғалар топширилди. Уларнинг кўнгилли ҳордиқ чикариши учун турли ўйинлар ташкил этилди.

Тадбир болаларда катта таассурот қолдирди.

Музаффар ТУРОПОВ

«Истиқбол»
ёшлар қанотиҲаётий
лойиҳалар

Хоразм вилоятида «Ёш сиёсатчи — 2017» танловининг дастлабки босқичларида 2000 нафарга яқин йигит-қиз иштирок этди. Танловнинг вилоят босқичи Урганч шаҳридаги мусиқа ва санъат коллежиде ўтказилди.

11 нафар фаол ёшлар 3 шарт бўйича ўзаро беллашди. Иштирокчилар сиёсий-ҳуқуқий билимлари ва нотиклик маҳоратини намоён қилишди. Шундан сўнг ўзлари тайёрлаб келган ижтимоий лойиҳаларини тақдим этишди. Уларда ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар, янги иш ўринлари яратиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш каби масалалар кўтарилди.

Танлов якунига кўра, камқонлик касаллигининг олдини олиш ва ёшлар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган энг яхши ижтимоий лойиҳа тақдим қилган Қўшқўр тумани иштирокчиси Гулҳаё Исмоилова 1-ўринни қўлга киритиб, республика босқичига йўлланма олди. Ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳа муаллифи, Гурлан тумани иштирокчиси Мадина Раҳимбоева 2-ўрин ва ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган «Ёшлар академияси» очилган йилиги илгари сурган Урганч шаҳар иштирокчиси Наврўзбек Азиев 3-ўринни эгаллади.

Ҳаётли диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Алишер ЖУМАНИЕЗОВ

Тадбир

Тошкент давлат юридик университети қошидаги академик лицейда ЎЗХДП Сергели туман кенгаши ташаббуси билан туман ҳокимлиги ҳамда Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман бўлими ҳамкорлигида тарғибот тадбири ўтказилди. Ўқитувчилар ва ўқувчилар, маҳалла маслаҳатчилари иштирок этган ушбу тадбирда мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўз борди.

ИНСОН
ҲАЁТИ АЗИЗ

— Одам савдоси шахснинг озодлиги, шаъни, қадр-қимматиға қарши қаратилган жиноятдир, — дейди **ЎЗХДП Сергели туман кенгаши раиси Мирзохид Хидиров**. — У инсонни ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларидан маҳрум қилади, ўзгаларнинг қўлида қўл бўлишга мажбур этади. БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили 3 миллиондан ортиқ киши одам савдосининг қурбонига айланмоқда, энг ачинарлиси, уларнинг аксарияти аёллар ва болалардир.

— Ёшлар ўртасида ижтимоий тармоқ орқали мулоқот қилиш бугун урфга айланди. Ҳаммининг қўлида телефон бўлгани учун ҳам ижтимоий тармоқларга беихтиёр кирамиз, — дейди **301-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Фарҳод Жўраев**. — Албатта, виртуал оқим ёшларни ўз домига тортиши табиий. Айниқса, ижтимоий тармоқларда биз танимаган, билмаган кишилар дўст бўлишни таклиф қилишса, аксарият ҳолларда ўйлаб ҳам ўтирмай, ушбу сўровни қабул қиламиз. Бу дўстлик бир кун келиб, бизни одам савдоси домига тортиши мумкин. Демак, бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун тарғибот тадбирларини кўпроқ ўтказишимиз, уларга ёшларни, кенг жамоатчиликни жалб қилишимиз лозим.

Тадбирда одам савдосининг салбий оқибатлари ва унинг домига тушган инсонлар ҳаётига доир видеоролик намоиши этилди.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

СЕН ЮРТИМ ТАЯНЧИ,
АЗИЗ БОЛАЖОН!

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида турли эртақ қаҳрамонлари либосидаги болаларнинг шўх-шодон ҳаракатларини кузата туриб, бир зум болалик хотираларига чўмдим.

Бу ерда ЎЗХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан «Сен юртим таянчи, азиз болажон!» шиори остида маданий-маърифий тадбир ўтказилаётган экан. Жажжи болажонлар, буви-ю боболар йиғилишган. Партия ташкилотлари ходимлари, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари ҳам шу ерда.

Байрам тадбири қизиқарли ва кўтаринки руҳда ўтди. **ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Хайдар Бобохонов** кичкинтойлар ва уларнинг ота-оналарини байрам билан самимий муборакбод этди. Шундан сўнг болажонлар учун байрам дастури намоён этилди. «Қувонч» болажонлар студияси эртақлар асосида қизиқарли саҳна кўринишларини тақдим этишди. Кичкинтойлар ажойиб шеър кушиқлари билан йиғилганлар қалбини ҳушуд қилди.

— 1 июнни орзиқиб кутмайдиган бола бўлмаса керак, — дейди



Юнусобод туман партия кенгаши раиси Нигора Эшматова. — Биргина неварам мисолида айтадиган бўлсам, эрта тонгданок байрамона кийиниб, истироҳат боғига боришга шайланиб туради. Бу ерда у турли кўнгилочар ўйинларда катнашди, хурсанд бўлди. Буларни кўриб, биз катталар ҳам болаликка қайтгандек бўлдик.

Тадбирга фарзандларини, невараларини олиб келган ота-оналар, бувижонлар шўх-шодон рақсга тушаётган болажонларнинг бахтидан қувонини эди.

— Бугунги байрам бизга жуда ёқди, — дейди икки нафар фарзанднинг онаси **Дилноза Убайдуллаева**. — Болаларим ҳам хурсанд. Айниқса, «Қувонч» болажонлар театри студияси томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари ўзгача таассурот қолдирди. Ташкилотчиларга раҳмат.

— 68 ёшдаман, — дейди **Зулайхо Умарова**. — 21 нафар неварам, 3 нафар эварам бор. Бугун уларни бир сайр қилдирай, деб олиб келгандим. Сув бўйида айланиб юрсак, мусиқа овози эшитилляпти. Тўғри шу томонга келдик. Халқ демократик партияси ташкиллаштирган катта байрамнинг устидан чиқдик. Невараларим хурсанд.

Махлиё АЛИКУЛОВА



Афсуски, аҳолини ўйлантириб келаётган муҳим масалалар кўтарилган депутатлик сўровларига айрим маҳаллий раҳбарлар эътибор ва масъулият билан қарамаётир.

БИЗНИ БИРЛАШТИРГАН РИШТАЛАР

ёки Ўзбекистоннинг Хитой Халқ Республикаси билан ўзаро ҳамкорлиги янада юксак босқичга кўтарилаётгани ҳақида

Минг эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал, деган ҳикмат қанчалик ҳақиқатлигини Хитойда бўлган кунларимиз қайта-қайта англадик. Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан белгиланган ранг-баранг дастур асосида ўтган бир ҳафталик саёҳатимиз давомида кўп бор ҳайратга тушдик. Кўрганларимиздан қай бири ҳақида ёзишни узоқ ўйлаб қолганимизни ҳам яширмаймиз.

Хитойнинг минг асрлик тарихи, катта ҳудуди, аҳолисининг сони, Хитой императорининг ўн бешинчи асрда барпо этилган саройи ҳар қуни сайёҳларни ҳайратга солади. Урқач-ўрқач бўлиб, борган сари булутларга яқинлашган тоғ тизмалари устида барпо этилган машҳур Хитой деворини кўрмай қайтадиган сайёҳни топиш қийин. Икки ярим минг километр масофадан узоққа чўзилган, тошдан, пишк, гишдан иборат бу ноёб, ўта оғир меҳнат талаб қиладиган мудоффа деворини одамзот кўл билан яратганига ақл бовар қилмайди. Хитой халқининг ақл-заковатидан дарак берувчи бу бебаҳо меъморий санъат ёдгорлиги қандай машаққатли меҳнат эвазига барпо этилганини тасаввур этиш қийин эмас.

Булар ҳаммаси эътирофга, Хитой мўъжизалари, деб таърифлашга муносиб, албатта. Аммо булардан-да кўпроқ ҳайратланарли, бутун дунёни қизиқтираётган бошқа бир масала бор. Бунга Хитойнинг энг катта мўъжизаси, дейиш мумкин. Бунга иқдор бўлиш учун аввало, ўзимизга ушбу саволни берайлик: Дунёда 5-6 ёки 10-15 миллион аҳолисини боқолмай, муаммолардан боши чиқмай ётган давлатлар оми? Оз эмас. Табиий савол туғилади: Хитой қандай қилиб 1 миллиард уч юз миллион аҳолини озиқ-овқат, уй-жой билан таъминлаб келмоқда?

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг сўзлари ёдга тушади. «Хитой — буюк давлат. — Хитойда амалга оширилаётган ислохотлар фақат бизнинг эмас, балки бутун дунё эътиборини тортмоқда. Дарҳақиқат, планетамизда яшовчи ҳар тўртинчи кишини озиқ-овқат билан таъминлаётган, ўз фуқаролари ҳаёт даражасини самарали оширишга эришганда, юксак иқтисодий суръатларни намойиш этаётган давлат ҳар қандай ҳурмат ва қадрга муносибдир».

Бугунга келиб, бутун дунё Хитойнинг иқтисодий тараққиёт йўлини

Шунда дунёнинг деярли барча қитъаларидан, Гонгконгдан тўғридан-тўғри инвестициялар оқиб кела бошлади, — дейди ҳамроҳимиз, «Шеньчжень кечки газетаси» бош муҳаррири Дун Шичжао.


Бу ерга сўнги 30 йил ичида жуда катта миқдорда хорижий инвестиция жалб этилиши натижасида шаҳар мамлакат саноати, молия, савдо ва транспортнинг муҳим марказларидан бирига айланди. Экспорт ҳажми жиҳатидан энг катта тўртликка кирди.

Шеньчжень — Хитойнинг Электроника саноати ривожланган шаҳридир. Дунёда ном қозongan iPhone ва iPad айнан шу ерда ишлаб чиқарилади.

Шаҳар саноати таркибида телекоммуникация ускуналари, мобил телефонлар, компьютер, ҳўжалик электр техник асбоблари, тиббиёт жихозлари, машинасозлик етакчиликлари. Шунинг ҳам таъкидлаш кераки, Шеньчжень илмий марказлар шаҳри ҳам дейишади. Дарҳақиқат, маҳсулотлар турини янгилаш, кўпайтириш, такомиллаштириш устида 40 дан зиёд илмий марказлар, минг-минглаб мутахассислар исланишлар олиб боради.

Бу шаҳарда ишлаб чиқарилаётган жаҳонга машҳур Huawei, ZTE, Lenovo каби бренд маҳсулотларни Ўзбекистонда ҳам яхши билишади. Электроника бозорининг 20 дан зиёд етакчи корхоналари айнан Шеньчженьда жойлашган. Биргина 2016 йилда уларнинг савдо айланмаси 447 миллиард долларни ташкил этган. Бунда экспорт ҳажми импортдан икки баробар кўпдир. Дунёнинг энг йирик 500 корпорациясидан 180 таси Шеньчженьда жойлашгани ёки бу ерда филиалига эгалигининг ўзи шаҳар нуфузини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон — Хитой иқтисодий муносабатларида ҳам Шеньчжень алоҳида ўрин тутди. Унинг Huawei корпорацияси ўн етти йилдирки, Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкорларидан биридир. Бу корхона маҳсу-



танишдик. Электрон ОАВни Shenzhen Media Group бирлаштирган бўлиб, унинг таркибида 11 телеканал, 4 радиостанция ва кино-студия фаолият олиб боради. Shenzhen Press Group медиахолдинг компанияси 10 газета, 5 журнал ва 10 интернет сайт ҳамда наشريёт-матбаа уйига эга.

— Тахририятимизда 150 нафар ижодий ва техник ходим ишлайди. Уларнинг 100 нафари ахборот йиғувчи журналистлар, 30 нафари муҳаррирлардир. — дейди кўндалик «Шеньчжень иқтисодий газетаси» бош муҳаррири Чжоу Пинь. — Биз иқтисодий алоқалар тўғрисидаги Ўзбекистон ҳақида биламиз. Сизларнинг компаниямизга таширингизда мамлакатларимиз оммавий ахборот воситалари ўртасида тажриба алмашиш бўйича ҳамкорликка йўл очса ажаб эмас.

Харбинга сафаримиздан асосий мақсад Ўзбекистонда замонавий гидроэлектростанциялар қурилиши ёки реконструкция қилинишида иштирок этаётган корхоналар фаолияти билан танишиш эди.

Харбин электр қуввати ишлаб чиқарувчи ГЭС, ГРЭСлар учун юксак аниқликдаги ноёб ускуналар етказиб берувчи ривожланган корхоналарга эга. Улардан бири «Харбин Электро Интер Инжиниринг» компаниясидир. У дунёнинг Покистон, Эрон, Хиндистон, Туркия, Индонезия каби 30 дан зиёд мамлакатларига 33,0 МВт қувватли энергия ишлаб чиқарувчи қурилмалар экспорт қилди, ўрнатди ва ишга туширди. Улар қаторида Тошкент вилоятидаги Янги Ангрен ГРЭСи ҳам бор. Бу корхона раҳбарияти бизни эски қадрдонлардек иззат-ҳурмат билан қутиб олди. Юртимиз билан ҳамкорлик ҳақида илиқ фикрлар билдиришди.

— 2009 йилда Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатганимиз, — дейди компания бош директори ўринбосари До Инжо. — 2016 йилда Ангрен ГРЭСининг янги қувватларини қуриб ишга туширдик. Бу ўрта Осиёдаги биринчи лойиҳамиз эди. Ўзбекистонлик мутахассислар билан елкама-елка туриб ишладик, натижада қурилиш-монтаж ишлари муддатидан 4 ой аввал якунланди. Ҳозир биз Ангренда ўрнатган энергоблоклар мутасил ишламоқда. 2016 йил 20 сентябрда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев объектни келиб кўрди ва бизнинг компанияга ишонч билдириб, Ангрен ГРЭСи иккинчи навбатини ҳам қуриш ва жихозлашни топширди. Шартнома ҳужжатлари Президентингизнинг Хитойга сафари чоғида имзоланди. Бундай юксак ишончни катта шараф, деб биламиз.

— Ускуналарни монтаж қилиб ишга туширамиз, кейинчалик унга сервис хизмати кўрсатамиз ва маҳаллий мутахассисларни ўқитамиз, — дейди компания бош менежери, «Ангрен» лойиҳаси раҳбари Жанг Хонгган. — Компаниямиз ўқув бўлимида ўзбекистонлик юз нафардан зиёд ёш турли касблар бўйича ўқитдик.

Ангрен ГРЭСининг биринчи навбатини қуриш ва модернизациялаштириш ишларида Харбиннинг яна бир компанияси иштирок этганди. Ҳозир улар Ангренда энергетик иншоотлар ва қурилмалари иккинчи навбатини қуриш билан бирга транспорт воситалари учун резина гилдирак (шина)лар ишлаб чиқарувчи корхона бунёд этишда ҳам қатнашмоқчи.

— Ўзбекистонда хорижлик инвесторлар учун катта имтиёзлар яратилганидан яхши хабардормиз. Ўзбекистон раҳбарияти дунёнинг энг ривожланган компаниялари билан ҳамкорлик қилишга интилоқда. Биз ҳам тинчлик ҳўм сураётган, меҳмондўст ўзбек халқи билан ҳамкорликдан манфаатдормиз. Шунинг учун «Харбин Электро Интер инжиниринг» компаниясининг гидротрубиналар монтаж ишлари бўйича филиали ҳам Ангрен лойиҳаларига жалб этилди, — дейди До Инжо.

Кўмирдан электр энергияси олиш табиий муҳитга зарар етказмайдими, деган саволимизга жаноб Жанг Хонгган йўқ, биз Ангрен ГРЭСига ҳавога чиқинди чиқармайдиган замонавий тозалаш ускуналарини ҳам ўрнатганимиз, деб жавоб берди.

Харбинлик мутахассислар Ўзбекистоннинг бундан 50-60 йил аввал қурилган бошқа ҳудудларидаги ГЭС ва ГРЭСларни ҳам модернизациялаш, қайта қуриш лойиҳаларида иштирок этишмоқчи.

Харбиндаги айрим ОАВ фаолияти билан ҳам танишдик. Рус тилида чиқадиган «Партнёры» журнали тахририятидаги учрашувда ижрочи директор Фан Жуйхэ бизга журнал тарихи, тарқатилиш мақони, ютуқ ва муаммолар ҳақида гапириб берди. «Партнёры» асосан Хитойдаги русийзабон халқлар ва россиялик ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб, ҳар ойда 20-40 минг тиражда чоп этилар экан. Тарихдан маълумки, бу ерда темир йўл ва шаҳар қурилишида кўпал рус мутахассислар ишлаган. Ҳозиргача уларнинг авлодлари умргузаронлик қилиб келмоқдалар.

Харбин босма нашрлар корпорациясида бизни унинг раҳбари Ху Минхиао қутиб олди. 6 кўндалик, 2 ҳафталик газеталар ва 2 ойлик журнални, интернет сайт ва наشريёт матбаа корхонасини ўз ичига олган бу матбуот уйида 2800 одам меҳнат қиладди. Хитойлик ҳамкасбларимиз интернет тўғрисидаги газеталар адади қисқараётгани, бунинг натижасида соф даромад йилдан-йилга камайиб бораётганини гапиришди.

— Агар корпорациянинг 2014 йилги даромади 600 миллион юан (90 миллион доллар) бўлса, 2016 йил якунига келиб, 200 миллион юанга (30 миллион доллар) тушиб қолди, — дейди Ху Минхиао. — Биз асосий эътиборни тиражни сақлаб қолишга қаратмоқдамиз.

Хитойда ким билан суҳбатлашмайлик, Ўзбекистон ҳақида, ўзаро ҳамкорлик тўғрисида илиқ гаплар эшитдик. Ангрен — Поп электрлашган темир йўли эгасиди. Қатор оммавий ахборот воситалари ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 11-13 май кунлари Хитойга давлат ташрифи ва 14-15 май кунлари Пекинда бўлиб ўтган «Бир макон, бир йўл» форумидаги иштироки ва билдирган фикрларига катта эътибор қаратганига ғувоҳ бўлдик. Дарҳақиқат, ташриф давомида 100 дан зиёд ҳужжат имзолангани, кўпал йирик сармоявий лойиҳаларни амалга оширишга қарор қилингани, уларнинг умумий қиймати 23 миллиард АҚШ долларидан кўпчилигини назарда тутиб, ҳулоса қиладиган бўлсак, муносабатларимизнинг ҳозирги босқичи юксак даражага кўтарилаётганини кўрсатади.

Бундай мустаҳкам ўзаро ишонч, самимий дўстлик ва ҳамкорлиكنинг омиллари тўғрисида турли фикрлар билдирилмоқда. Тўғри, Хитой, аввало, яқин кўшнимиз, кўп асрлик иқтисодий ва маданий алоқалар, Буюк ипак йўли бизни қадимдан боғлаб келган. Хитой Ўзбекистоннинг мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган. Мустақиллигимизга бир йил тўлар-тўлмас Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг Хитойга ташрифи чоғида 20 дан ортиқ ҳужжат имзоланган эди. Кейинги йилларда дўстона, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик кенгайиб борди. Мамлакатларимиз раҳбарларининг дунёдаги кўп масалаларга нисбатан муносабатлари ҳам яқин бўлди. Энг муҳими, Хитой ҳам Ўзбекистон сингари тинчлик тарафдориди.

Хитойда бўлган учрашувлар, турли касб эгалари билан мулоқотлар чоғида муносабатларимиз нега яқинлигининг яна бир жиҳатини англадик. Бу — халқларимиз руҳан яқинлигида, миллий одатларимиз, инсоний қасдларимиз ўхшашлигида. Хитой ташқи ишлар вазирлигининг Харбин канцелярияси бошлиғи ўринбосари Цзи Юйцзя айтган сўзлар ҳам фикримизни тасдиқлайди. У шундай деди:

— Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги масофа минг-минг километрни ташкил этади. Ўртаимизда тоғлар, денгизлар бор. Бироқ кўнчилиримиз яқин. Кўнгли яқин халқларнинг ўртасида ҳеч қандай масофа сезилмайди...

Дарҳақиқат, ўзаро юксак ишонч, ҳурмат асосига қурилган дўстлик, ҳамкорлик барқарор ва абадий бўлади.

Сафар ОСТОНОВ,
Муҳаммаджон ОБИДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналистлар.

Реклама ўрнида



ИЖРО
ИНТИЗОМИ
КУЧАЯДИ

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан ижро интизомига амал қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Унда Марказий банк, Республика товар-хонашў бижаси вакиллари, «Туронбанк» АТБ мастул ходимлари ва мутахассислари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир ходим фаолиятининг кўндалик қоидаси бўлиб қолиши кераклигига алоҳида эътибор қаратишди.

Семинарда Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни мазмун-моҳиятига ҳам тўхталиб ўтилди. Банкларда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш ҳолати, бу борада йўл қўйлаётган камчиликларни бартараф этиш хусусида сўз юритилди.

Тадбир якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Таъкидлаш жоизки, бу каби амалий семинарлар ходимлар ўртасида ижро интизомининг янада кучайтиришда, шахсий масъулиятни оширишда, мутахассисларнинг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш борасидаги камчиликларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Шаҳноза РЎЗИЕВА

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОН



ГУП «Toshkent
Xalqaro
Aeroporti»


объявляет о том, что тендер по поставке оборудования и материалов по светосигнальному оборудованию аэродрома «Ташкент-Южный», объявленный 3 апреля 2017г., считать закрытым.

Победителем тендерных торгов определена компания PROTEC Automation GmbH, Германия.

Услуги лицензированы.

Ташкент давлат шарқшунослик институти таълим муассаси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлэмалари маркази тугатилишини маълум қиладди. Давролар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади.

Хитойда ким билан суҳбатлашмайлик, Ўзбекистон ҳақида, ўзаро ҳамкорлик тўғрисида илиқ гаплар эшитдик.



Фаруқ АЛИЕВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН УНИВЕРСИТЕТЛАРИ НЕЧА ЁШДА?

Бир неча йил муқаддам хизмат сафари билан хорижда бўлганимда, Европадаги қадимий университетларнинг таниқли олимлари билан учрашган эдим. Узаро мулоқотларда Париж (Сорбонна), Кембриж, Болонья университетларининг жаҳон тан олган алломалари ўзлари фаолият кўрсатаётган олий ўқув юртлири XII-XIII асрларда ташкил этилганини фахр-ифтихор билан айтган эди. Мазкур университетларнинг олимлари асрлар давомида эришган ютуқлари ва илмий кашфиётлари ҳақида эшитиб, табиийки, ҳайратланганман.

Ўзбекистонга қайтар эканман, ҳар гал Беруний, Форобий, Фарғоний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Алишер Навоийларни камолга етказган илм даргоҳлари ҳақида ўйлаб қоламан. Ахир биз номларини келтириб ўтган ўнлаб, яна юзлаб дунё тан олган алломаларимиз илмий маълумотларни олий таълим муассасаси мақомида бўлган мадрасаларда олган эди-ку! Тарихнинг ёритилмаган саҳифаларини ёритиш, энг муҳими, ўз-ўзини англаш, ўтмишнинг холисона баҳолаш фурсати келмадимикан?

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, муқтадиллик йилларида олий таълим тарихини билишга, уларни тадқиқ этишга бўлган қизиқиш кучайди. Ҳақоний руҳдаги мақолалар, илмий изланишлар матбуотда эълон қилинмоқда. Яқинда Насриддин Абу Ҳафс Аҳмад Насафийнинг «Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум» («Юлдузларнинг чиқиши ва фанлар мажмуаси») асари ҳақидаги маълумотни ўқиб қолдим. Асар муаллифи XI-XII асрларда яшаб ижод этган насасфлик аллома бўлиб, кейинчалик Самарқандга келиб, қорахонийлар ҳукмронлиги даврида барпо этилган Иброҳим Табғачхон мадрасасида мударрислик қилган ва ўзининг юқоридаги асари асосида талабаларга дарс ўтган. Бир ўринда олим-мударрис ўз устозлари ҳақида маълумот берад экан, Абу Али Ҳусайн ал-Ҳақоний номини тилга олади ва у Самарқанддаги «Амир» гузаридида жойлашган илк мадрасанинг мударрис эканини ёзади. Бу маълумотдан кўринадики, шу пайтгача илк мадраса номини олган Иброҳим Табғачхон мадрасасидан ҳам олдин Работи Ҳозийн мадрасаси фаолият кўрсатган.

2000-2004 йилларда Самарқанд давлат университети (СамДУ) олимлари томонидан Ўзбекистонда олий

таълим тарихига оид бир қатор мақолалар ва рисоалар чоп этилди. Уларнинг энг эътиборлиси академик «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Ботурхон Валихўжаевнинг тадқиқотларидир. Ушбу муҳим мавзу 2003 йили СамДУда ўтказилган олий ўқув юртлири ректорлари кенгашининг сайёр йиғилишида ҳам ўртага ташланган эди.

Академик Ботурхон Валихўжаев ўзининг 2001 йили нашр этилган «Самарқандда олий таълим мадрасаси олия — университет тарихидан лавҳалар» номли илмий-оммабоп рисоласида IX-X асрларда Самарқандда 17 мадраса фаолият кўрсатганини, шулардан бири Работи Ҳозийн эканини, у энг қадимий мадрасалигини айтиб ўтади.

«Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум» китобини нашрга тайёрлаган олим Саид Акбар Мухаммадминов асарда тилга олинган илмлар ва ўрганилиши лозим бўлган маълумотларга ҳам тўхталган эди. Асар муаллифи мадрасида ўрганилган илмларни 23 катта соҳага бўлиб чиқади. Ҳар бир соҳа яна бир неча фаслга ажратилган. Табиийки, ўрганилган илмларнинг асосини, инсонни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан қилишга қаратади. Астрономия, астрология, математика, тиббиёт, зоология каби дунёвий фанлар асарнинг иккинчи қисмида берилган. Гуманитар соҳага дахлдор фанлар сифатида тарих, шеъринг, шеърини санъатлар, мақолалар ва сирли илмлар эътироф этилган.

Ботурхон Валихўжаев ўз рисола-сида Аҳмад Насафий асарида келтирилган дунёвий илмларнинг ўрганилишини Самарқандда IX-X асрларда фаолият олиб борган 25 мадраса мисолида илмий асослаб беради.

Айниқса, Мирзо Улуғбек мадрасайи олиясида Аҳмад Насафий таъкидлаган илмлар билан бир қаторда, фалсафа, мантиқ, ҳандаса, география, алжабр каби фанларнинг атрофлича ўрганилганини алоҳида таъкидлайди. Бундан чиқадики, XII-XIII асрлардан бошлаб фаолият олиб бораётган Европа университетларидан 2-3 аср олдин, аниқроғи, IX асрда олий илм даргоҳи ўзимизда, Самарқандда ташкил этилган. Бу ҳалқимизнинг ҳақли равишда фахрлишига асос бўлади.

Ўз сарҳисобини IX-XII асрларда бошлаган мадрасайи олиялар тарихимизнинг турли давларида равнақ топган, хуруфот ва бошқа зулмат кучлари таъсирида турғунликка юз тутган.

Европанинг қадимги университетлари тарихи ҳам шунга қўшаб даврларни ўз бошидан кечирган, албатта. Масалан, Буюк Британиядаги дунёга таниқли Оксфорд университети фаолияти 1117 йилдан бошлаган, деб ҳисобланади.

Саламонка (Испания) университети ташкил этилиш тарихи 1218 йил деб белгиланган. Кирил Альфонс IX нинг фармони билан «Studium Generale» деб номланган умумтаълим мактаби ташкил этилган. У асосан муқаддас ёзув ва шариат ҳуқуқини ўргатишга ихтисослашган. Кирил Альфонс X ҳукмронлигида ушбу умумтаълим мактаб мақоми ўзгартирилиб, университет (мадрасайи олия) деб номлана бошлаган.

Мисрдаги, араб дунёсидаги энг йирик Аль-Азхар университети 988 йили ташкил топган, деб қайд этилади. У ердаги таълим дастлаб масжид ҳовлисида исломнинг шиъа йўналишидан таълим берувчи мактаб бўлган. Ўз тарихида ислохотларни бошидан кечирган ушбу университет кейинчалик сунна таълимининг йирик мактабига айланган. XIX асрнинг охиридадан эса ушбу олий таълим муассасаси ҳозирги университет мақомига эга бўла бошлаган.

Дунёдаги энг машҳур Гарвард университети 1636 йили бадавлат хомий Жон Гарвард томонидан асос солинган ва у ўз фаолиятини дин арбобларини ўқитишдан

бошлаган. XVIII аср мобайнида унинг фан дастурлари аста-секинлик билан дунёвийлашиб борган ва XIX асрнинг охирига келиб АҚШнинг асосий илмий-маънавий марказига айланган.

Юқоридагиларга ўхшаш тахлилий мулоҳазаларни Италиядаги Болонья (1088 йил), Марокшдаги Аль-Карауин (859 йил), Франциядаги Сорбонна (1180 йил) ва бошқа бир қатор университетлар ҳақида ҳам айтсак бўлади.

Маълумки, ўтмишимизда учта буюк Уйғониш (Ренессанс) даври бўлганини жаҳон тан олган. Биринчи уйғониш қадим Туркистонда илк бор IX-XI асрларда юз берди. Бу давр бизга Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Хоразмий, Форобий ва бошқа алломаларни берди. Бу олимларнинг сайёр-ҳаракатлари туйғили фалсафа, тарих, адабиёт, риёзиёт, фалакийёт, ҳандаса, мантиқ, жуғрофия, тиббиёт фанлари ривожланиб, инсоният учун энг зарур илмий масалалар ечимига беҳисоб ҳисса қўшилди. Иккинчи уйғониш даври соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида юз берди. Бу даврда илм-фан, маданият ва маърифат ривожланиб, Самарқанд ер юзининг сайқалига айланган. Буюк мунажжим Мирзо Улуғбек, кейинчалик Шайбонийхон даврига келиб, юқоридаги номлари саналган илмлар олий ва ўрта тоифадаги мадрасаларда яна равнақ топди.

Биринчи уйғониш даври билан иккинчи уйғониш даври ўртасида бир ярим асрлик оралик бўлса, иккинчи уйғониш даври билан учинчи уйғониш даври оралиги тўрт аср давом этди. Туркистонда учинчи уйғониш даври XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида рўй берди. Ҳар бир уйғониш даври илм-маърифат равнақига ҳисса қўшар экан, илмлар доираси янада кенгайиб, такомиллашиб борди. Қатор илмларнинг тамол тошини қўйган аждодларимизнинг яратган илм соҳалари ҳозир ҳам замонавий шаклда хорижий давлатларда ҳам, ўзимизда фаолият олиб бораётган университетларда ҳам ўрганилмоқда ва ўқув дастурларига киритилмоқда.

Ўрта асрларда олимларнинг илмий рутбаси аллома, мутафаккир, донишманд каби сифатлар билан

тилга олинган бўлса, бугун бу илмий мартаба академик, фан доктори, профессор каби номлар билан аталиб келинмоқда.

Мадрасаларимиз тарихидаги бундай нузли саҳифалар XVI асргача давом этди. Темурийлар салтанатининг инқирози мадрасалар ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсата бошлади.

Ана шу инқироз туйғили 1920 йили Самарқандда ўз фаолиятини тўхтатган энг сўнги илм даргоҳи — бу Мирзо Улуғбек ва Шердор мадрасалари бўлди. Орадан 7 йил ўтган, 1927 йили ҳозирги Самарқанд давлат университети ташкил этилди. Дастлаб педагог-кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти 1929-1930 йилларда педагогикага айлантирилди. Шундан буён университет 90 йил давомида тарихий йўлни босиб ўтди. Ҳалқимизнинг интеллектуал салоҳиятини белгилайдиган маърифат ўчоғи, мамлакатимизнинг кадрларга бўлган талабини қондириб келган таълим муассасаси сифатида фаолият олиб борди.

Маърифатпарвар олим ва жамоат арбоби Абдурауф Фитрат ўзининг «Раҳбари нажот» асарида юртимизнинг бой тарихига баҳо бериб: «Бир вақтлар бу мамлакатимиз маданият кўшининг чиқиш жойи, маърифат дунёсининг манбаи сифатида танилган эди», — деб ёзган эди.

Олий таълим муассасаларимиз тарихини, буюк алломаларимиз тахсил олган ва улар томонидан асос солинган даврларга боғлаш масаласини кўриб чиқадиган вақт етиб келди, деб ўйлайман. Бу ишимиз тарихий адолатни тиклаш баробарида, олий таълим муассасаларида тахсил олаётган иқтидорли ёшларимизни ватанпарварлик, илмпарварлик руҳида тарбиялашга, улар қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Рустам ХОЛМУРОВОВ,
Самарқанд давлат университети
ректори, техника фанлари
доктори, профессор.

БОЛАЛАР — БАХТ ЧЕЧАКЛАРИ

Пойтахтимиздаги Чин-обод санаториясида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Баркамол авлод — келажак таянчи» шиори остида тадбир ўтказилди. Мазкур тадбир Юнусобод тумани Маънавият ва маърифат кенгаши, Маънавият тарғибот маркази ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.



Унда ёзувчи ва шоирлар, Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари, санаторияда олувчилари ҳамда шу ҳудуддаги маҳаллаларда яшовчи оилалар фарзандлари иштирок этди.

Ҳар йили ушбу сана муносабати билан дунё бўйлаб болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларга нисбатан зўравонлик қилинишига қарши курашга бағишланган тадбирлар ўтказилади, болалар учун байрам ва концертлар ташкил этилади, — дейди **Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси Феруза Бобоёрова**. — Бугунги учрашувни ҳам ана шундай тадбирлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Театримиз жамоаси номидан болажонларимизни табриклияман. Фарзандларимиз бахтини кўриш ҳар биримизга насиб этсин. Болажонларимиз юзидидаги қувонч уларни ҳеч қачон тарқ этмасин.

Қарши шаҳридаги 19-мактабда ўқийман, — дейди **Шодия Келдиёрова** — Санаторияга онам ва отам билан келдим. Циркка, ҳайвонот боғига, аквапаркка бордик. Бугунги тадбирда ёл олган шеърларим билан қатнашдим.

Амударё туманидан келиб санаторияда дам олаянимиз, — дейди **Ҳалима Ҳайитметова**. — Ушбу тадбир жуда ҳам мазмунли ўтди, менга ёқди. Фарзандларимиз, набираларимизни энг бахтли болалар, деб айтгим келади. Чунки улар учун юртимизда барча шарт-шароит муҳайё этилган. Демак, болаларимиз ҳам бундай имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, яхши ўқиб-ўрганишлари керак.

Тадбирнинг бадий қисмида ёш хонандалар ижросида куй-қўшиқлар янгради. Болалар ўртасида шеърхонлик баҳслари ҳамда қизиқарли савол-жавоблар ўтказилди. Унда фаол қатнашганларга эсдалик совғалари, китоблар берилди.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



ЗАВОД «KRANTAS» производит и реализует

- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогидронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiiddin MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxonada nashr: Buxuro Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 638
1367
nuxxada
bosildi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5 6